



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 24-oktabr. Payshanba • 127 (31.717)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидоийлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУХРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Мадазизов Бахтиёр Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази цикли бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Абдуллаев Бахтиёр Тухтасинович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Эргашев Кодир Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Иргашев Қобилжон Комилджонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика марказининг шахсни идентификация қилиш маркази бошлиғи

Курляндцева Ольга Валерьевна — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси

Оринбаев Аманбай Тлеубаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

2

Ўзбекистон Президентининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2013 йил 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мажлисида МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилади.

Озиқ-овқат мўл бўлади

Хукукий эксперимент

●●● Самарқанд вилояти матбуот уйида 2013 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид дастурлар ижроси, куз-қиш мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳукукий экспериментдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойи-

ҳаси талабларидан келиб чиқиб ташкил этилган мажлис тадбирда Самарқанд туманида шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакиллари маълумот берилди.

2



ЎзХДП: устувор вазифалар

Депутат учун энг муҳими сайловчилар ишончини оқлаб, юзи ёруғ бўлиш ва мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир

Депутат халқнинг давлат ҳокимиятидаги вакилидир. Унга жойлардаги муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечими бўйича таклифларни илгари суриш, ўзи мансуб бўлган партия электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қилиши учун етарли ҳуқуқ ҳамда ваколат берилган. Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳлари минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурлар ижросини таъминлаш, бу масала бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари

ва доимий комиссияларида мутасадди раҳбарларнинг ахборот ҳамда ҳисоботларини эшитиб бориш механизмидан кенг фойдаланаяпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ушбу масала муҳокама қилинди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари,

шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда йирик бошланғич таъкилотлар етакчилари иштирок этди.

Семинарда Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳал этишда депутатлик гуруҳларининг иштироки хусусида фикр юритилди.

3

«Обуна - 2014»

Аҳад АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон овози» газетасининг ҳар сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия етакчилари билдираётган фикр-мулоҳазалар қонун ижодкорлиги жараёнида қўшимча таклифлар шаклланишига асос бўлаяпти.



Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш

●●● ҳамда тиббий маданиятни ошириш
обод ва бахтли турмуш кафолати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар белгиланишига эришиш бўйича вазифалар белгиланган.

2

ШХТга АЪЗО

давлатлар
вазирларининг
кенгаши

2

Мувофиқликни

БАҲОЛАШ

истеъмомчилар
манфаатларига,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Сайловолди дастурида
белгиланган вазифалар
ҳаётга янада самарали
татбиқ этилишига
шароит яратади.

3

ЯНА ИККИ

боксчимиз
чорак финалда



4

«Ораста қизлар»
республика

ФЕСТИВАЛИ



4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Ахборот-маърифат хоналари

фаолиятини намунали йўлга
қўйиш сиёсий-ўқувлар
савиясига, тарғибот-ташвиқот
ишлари таъсирчанлигини
оширишга хизмат қилади



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

электорати манфаатини самарали ҳимоя қилиш учун
депутатлик гуруҳлари нафақат турли ижтимоий маса-
лаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сес-
сиялари муҳокамасига олиб чиқиши, балки мавжуд му-
аммоларнинг амалий ечими бўйича муқобил таклиф-
ларни илгари суриши ҳам талаб этилади.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Кейинги сонларда

Халқ депутатлари Учқўприк туман Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Мунираҳон Холмирзаева ўз сайловчилари, партия-миз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда. Унинг сазой-ҳаракати билан партия Сайловолди дастурида белгиланган қатор масалалар доимий комиссиялар йиғилишлари, сессиялар муҳокамасига киритилаяпти.

Депутат фаолияти ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонларидан бирида ўқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФармониЎзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари
ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ
ходимларни мукофотлаш тўғрисида

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Қодиров Жўрамурод Амриллоевич (марҳум) — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон гуруҳ командири

Сабилов Бекзод Самихжанович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Валиев Тўлқин Алмарданович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Гайназаров Улугбек Абдирафикович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Ериев Ғайрат Раҳманович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальон милиционер

Ибрагимов Рустам Кахрамонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери

Ризаев Баҳром Бахтиярович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлими командири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таштемиров Умид Махаматқаримович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Тиллаев Хайрулла Қудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнгинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Турсунов Юнус Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

Тўхтаев Баҳрулла Бабамуратович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Хайтов Мансур Султонбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибалари бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Ахмедов Рустамжон Давлатбекович — Сирдарё вилояти Бойвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бекмирзаев Турсунбой Алмидинович — Андижон вилояти Аска тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлими командири

Борхўжаев Азизжон Махаматжонович — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Каримов Ойбек Толибжон ўғли — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов бошқармаси катта терговчиси

Нуритдинов Хусниддин Джуманазарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

Тошов Ибод Муродович — Бухоро вилояти Бухоро тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонов Рўзбой Арабович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Шаймарданов Исмаилов Элмирзаевич — Қашқадарё вилояти Яқкабғў тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

Шамсиев Отабек Бахронович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи

Шеров Улугбек Умарович — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди ёнгин ўчирувчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 октябрь

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Дониёр Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори

Давранов Илхом Шавкатович — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи

Қиличев Шерзод Саъдуллаевич — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Махмудов Шерват Салимович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлигининг ўринбосари

Нуримов Махмуд Хазирбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Пулатов Латиф Азизович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Убаев Тохиржон Қахорович — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер

И.КАРИМОВ

Аҳоли саломатлигини
мустаҳкамлаш

●●● ҳамда тиббий маданиятни ошириш
обод ва бахтли турмуш кафолати



Сайхон ШОТЎЛДАНОВ олган суратлар.

ли ҳам биз туман партия кенгаши билан ҳамкорликини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларимизда ЎзХДП туман кенгаши, муассасамиздаги БПТ, партия аъзолари фаол иштирок этмоқда.

— Поликлиникамизда 56 нафар умумий амалиёт шифокори, 104 нафар ҳамшира фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди поликлиника шифокори, БПТ етакчиси Ойдин Оринбоева. — Уларнинг аксарияти Халқ демократик партияси хайрихоҳлари, 43 нафари эса партиямиз аъзоларидир. Жамоамизда ҳар ойда икки-уч марта сиёсий ўқув машғулотлари бўлиб ўтади. Унда партиямиз гоя ва мақсадлари, мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеаларни ўрганиб, муҳокама қиламиз. Ўзимизга тегишли вазибаларни белгиллаб оламиз. Бундан ташқари, 14 та маҳаллада ЎзХДП билан ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданияти, тиббий саводхонлигини янада юксалтириш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласида давра суҳбати, семинар-тренинглари ўтказилди.

Бугунги кунда яқин қариндошлар ўртасидаги ниҳоятда ҳамон учраб турибди. Оқибатда уларнинг аксариятида хаста ва ногирон бола туғилиши кузатишмоқда. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун одамлар орасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллаштиришимиз, оилаларни қийнаётган муаммоларни ечиш бўйича амалий тақлифлар билан чиқишимиз зарур. Чунки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш обод ва бахтли турмуш кафолатидир.

— Мен бошланғич ташкилотнинг йиғилишларида, БПТ ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келардим, — дейди ҳамшира Дилафруз Мирзаалимова. — Уларда мамлакатимизда амалга ошири-

— Поликлиника-
мизда 56 нафар
умумий амалиёт
шифокори, 104
нафар ҳамшира
фаолият кўрсатиб
келмоқда, — дей-
ди поликлиника
шифокори, БПТ
етакчиси Ойдин
Оринбоева. —
Уларнинг аксария-
ти Халқ демокра-
тик партияси хай-
рихоҳлари, 43 на-
фари эса партия-
миз аъзоларидир.

лаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, ҳуқуқларимизни таъминлаш масалалари ҳақида суҳбатлар, баҳслар бўлиб туради. Кучли фуқаролик жамияти қуришининг асосий шартларидан бири — фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юқори бўлишидир. Шундай экан, ҳар бир киши юртимизда ке-чаётган ижтимоий-сиёсий ҳа-раётлардан доимий равишда хабардор бўлиб бориши, улар ҳақида ўз нуқтаи назари аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб мен яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлидим.

Бошланғич партия ташки-лоты фаолияти билан тани-шиб, шунга иқдор бўлдики, партиямиз Сайловолди дас-тирида белгиланган, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оши-ришга доир чора-тадбирлар ҳаётида илҳом бердики, таби-иштироки сама-рли бўлмоқда. Бу соғлом ва баркамол авлод ўлгайиши, фарзандларимиз ҳаётига кат-та куч, кенг дунёқараш би-лан қўриб келиши, турмуши-миз янада фаровон бўлиши, ЎзХДП гоялари амалга оши-ришга муҳим ўрин тутди.

Басандон ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ШҲТга аъзо
давлатлар
вазирларининг кенгаши

Тошкентда 23 октябрь кун Шанхай ҳам-корлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар-нинг ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фао-лияти учун масъул вазирларининг ўн иккинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Феде-рацияси, Тожикистон Рес-публикаси ташқи иқтисодий ва ташқи савдо маҳкамала-ри раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котибининг ўрин-босари А.Носиров ва ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши Ижрочи котиби С.Канавский иштирок этди.

Амалий ва дўстона руҳда ўтган кенгаш давомида ШҲТ доирасида минтақада иқти-содий ҳамкорлики янада ривожлантириш ва чуқур-лаштиришга оид қўллаб ма-салалар қўриб чиқилди. Жумладан, делегация раҳ-барларининг ШҲТ доираси-даги савдо-иқтисодий ҳам-корлиқнинг бугунги аҳоли ва истиқболи, ШҲТ Котиби-ятининг ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонла-ма савдо-иқтисодий ҳамкор-лик дастури ва 2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари рўйхати оид ахбороти, шу-нингдек, 2012-2013 йиллар-да ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бир-лашмаси фаолияти тўғриси-даги маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари ва-зирларнинг 2012 йил 13 но-ябрда Бишкекда ўтказилган ўн биринчи кенгашидан буён ўтган вақт мобайнида ШҲТ-га аъзо давлатлар раҳбар-лари ва ҳукуматлар раҳбар-лари кенгашлари мажлиси-

да савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликини ривожлантириш соҳасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш бора-сида салмоқли ишлар амал-га оширилганини таъкидла-ди.

Томонлар кенг қўламли иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликини ривожланти-риш мақсадида ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонла-ма савдо-иқтисодий ҳамкор-лик дастури ҳамда 2012-2016 йилларда ШҲТ доира-сида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тад-бирлари рўйхатини бажариш бўйича тадбирлар режасини изчил амалга оширишга ке-лишиб олдилар ва ҳамкор-лиқнинг муайян соҳаларига тааллуқли инвестиция лой-иҳаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тошкентда 2013 йил 28-29 ноябрь кунлари бўлиб ўта-диган ШҲТга аъзо давлат-лар ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги кенгашига ШҲТ-га аъзо давлатлар ҳукумат-лари ўртасида автомобилда халқаро ташувлар учун қўлай шароит яратиш тўғрисидаги битим, ШҲТ Котибиятининг ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисо-дий ҳамкорлик дастурининг ижросига оид ҳисоботини қўриб чиқиш учун тақдим этишга келишиб олindi.

Кенгаш якунлари бўйича ШҲТга аъзо давлатлар де-легация раҳбарлари томони-дан Протокол имзоланди.

ЎЗА

Озиқ-овқат мўл
бўлади

Ҳуқуқий эксперимент

Туман ҳокими Б.Саъдуллаев-нинг қайд этишича, ҳудудда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайти-риш, янги боғ-тоқзорлар яра-тиш, ердан унумли фойда-ланиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўрилаёт-ган чора-тадбирлар натижа-сида жорий йилга мўлжал-ланган дастур параметрлари ортиги билан бажаришмоқда. Бу туманда истиқомат қи-лаётган 218 мингдан зиёд аҳо-лининг эҳтиёжини тўла қон-дириш билан бирга, мамла-катимизнинг бошқа ҳудудла-рига ҳам озиқ-овқат маҳсу-лотлари етказиб бериш им-кониятини яратди. Жорий йилда сабзавот етиштириш талабга нисбатан 68 минг тонна, картошка 9,7 минг тон-на, полиз 1,7 минг тонна, мева 1,3 минг тонна, узум 0,7 минг тонна, гўшт 1 минг тонна, сўт 2,4 минг тонна, тухум 41 мил-лион донга кўп тайёрланди.

Мева, полиз маҳсулотла-ри туман аҳолиси эҳтиёжи-дан ортиқча етиштирилаёт-ганини ҳисобга олиб, улар-ни йилнинг исталган вақти-да истеъмол бозорига чиқа-риш учун зарур шароит яра-тиш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда кейинги йил-ларда тумандаги ишлаб чи-қариш ва қайта ишлаш кор-хоналари, фермер ҳўжалик-ларида йигирма минг тон-надан зиёд маҳсулот сақлаш сифимига эга музлаткичли камералар ташкил қилинди. Жорий йилда «Афросиёб мева» корхонаси томонидан беш минг тонналик музлат-кичли камералар қурилди. Келгуси йилда ана ўн минг тоннадан ортиқ маҳсулот сақлаш сифимига эга ана шундай замонавий омбор-лар ташкил этиш режалаш-тирилган.

Туманда кейинги 3-4 йил-да интенсив боғлар барпо

этилди. Айни пайтда ҳудуд-да 625,3 гектар майдонда интенсив боғ мавжуд. Жо-рий йилда 86 гектар ерда ана шундай боғлар ташкил этилди. Ўтган йилларда тўплаган тажрибага кўра, интенсив боғлар 3-4 йилда гектарига 60-70 тоннагача ҳосил беради.

Дастлаб интенсив боғ қўчатлари хориждан келти-рилган бўлса, айни пайтда тумандаги боғдорчилик ҳўжаликларидан паст бўйли дарахт қўчатларини етишти-риш йўлга қўйилиб, нафақат қўшни вилоятларга, балки Марказий Осиё давлатлари-га ҳам сотилмоқда.

2013 йилда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлан-тириш юзасидан ишлаб чи-қилган дастурлар асосида ўтган тўққиз ойда иккита чор-вачилик, учта паррандачилик, учта балиқчилик ва тўртта асаларчилик ҳўжалиги таш-кил этилди. Қўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ва уларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқа-ришни кўпайтириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ушбу йўна-лишдаги дастурга кўра, бу йил тумандаги уч ордан ортиқ фермер ҳўжалиги кўп тармоқ-ли ҳўжаликка айлантирилиб, уларда мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Матбуот аңкуманди журна-листлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Тадбирдан сўнг оммавий ахборот воситалари вакил-лари Самарқанд тумани ҳокимлигида «Давлат хоки-мияти ва бошқаруви орган-лари фаолиятининг очкиқ-лиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойи-ҳаси синовий бўйича ўткази-лаётган ҳуқуқий экспери-мент жараёни билан таниш-ди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Депутат учун энг муҳими

... сайловчилар ишончини оқлаб, юзи ёруғ бўлиш
ва мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир

ЎзХДП: устувор вазифалар

Рустам КОМИЛОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

— Сессияда қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам у ёки бу даражада учраб турибди. Шу боис биз ана шу танқидий мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб олишимиз зарур. Билдирилаётган бу эътирозлар сиёсий партияларга ҳам тегишли. Ишми-ни замон талаби даражасида олиб бориш, барча бўғинда депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш буғунинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Партия электорати манфаатини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллигига боғлиқ. Партия-мизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан қатор масалалар ўрганилиб, сессиялар муҳокамасига киритилмоқда.

Фаолиятимизни бугунги кун талаби даражасида олиб бориш учун электоратимиз манфаатига дахлдор муаммоларни ўз вақтида кўтариб чиқишимиз зарур. Ижтимоий масалаларни нафақат вақтинчалик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқиш, балки уларни ҳал этиш юзасидан ўз позициямизни билдиришимиз, муқобил тақлифларни илгари суришимиз керак бўлади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик

гуруҳлари олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири доимий комиссия ҳамда сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан мунтазам назорат олиб боришдир. Чунки жойлардаги ижтимоий масалаларни чуқур таҳлил қилиш зарур ҳолларда қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳаётий тақлифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса депутатларнинг фаоллигини янада ошириш билан бирга электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда қўл келади.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Ўртбошимиз Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида «Агарки ўзимиз йўл қўйган камчилик ва хатоларга, аввало, ўзимиз ҳолисона баҳо бериб, уларни бартараф этмасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ишми-ни қилиб бермайди. Бу — ҳаммамизга аён ҳақиқат», деб таъкидлади.

Депутат учун энг муҳими, халқ билдирган ишончини оқлаб, юзи ёруғ бўлиш, ўзи мансуб бўлган сиёсий партия дастурини амалга ошириш, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ўртбошимиз сессияда вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Партиямизнинг бу масала юзасидан ўз позицияси бор. Ижтимоий ҳимоя — бу, аввало, иш билан бандликдир. Партиямизнинг бу борадаги мақсадларини амалга ошириш, энг аввало, Қонунчилик палатасидаги фракция-миз ҳамда жойлардаги де-

путатлик гуруҳлари аъзолари зиммасидадир.

Учун шойим-қулов,
ЎзХДП Тошкент
шаҳар кенгаши ра-
иси, халқ депутат-
лари шаҳар Кенга-
шидаги депутат-
лик гуруҳи раҳба-
ри:

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўтган йили 16 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президенти-миз ечимини кутаётган муҳим масалалар, жумладан, касб-хунар коллежларини тамомлаётган ёшларни ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини

Фаолиятимизни
бугунги кун талаби
даражасида олиб
бориш учун
электоратимиз
манфаатига дахлдор
муаммоларни ўз
вақтида кўтариб
чиқишимиз зарур.

таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги айрим камчиликларга эътибор қаратган эди. Буларни ҳал этишда депутатлар ҳам фаол бўлиши, жойларда самарали назоратни амалга ошириши кераклигини таъкидлади.

Бундан хулоса чиқарган ҳолда қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва Тош-

кент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш масалаларини ўрганиш мақсадида ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатларидан иборат ишчи гуруҳи тўзилди. Таҳлил натижаларига кўра, депутатлик гуруҳимиз ўтган вақт ичида партия электорати манфаатлари билан боғлиқ 7 та масалани сессия кун тартибига олиб чиқди. Биргина 2012 йилнинг ўзида 30 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масала ва тақлифлар доимий комиссиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса, шундан 3 таси сессияда муҳокама қилинди.

Бандлик дастурининг 2013 йил режасига биноан, Тошкент шаҳри микёсида 81659 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Жорий ўқув йилида Тошкент шаҳрида 36719 нафар ўқувчи касб-хунар коллежларини тамомлайди. Уларни иш билан таъминлаш вазифалари айтилган пайтда бизнинг асосий эъти-

боримизда турибди. Ҳаракат дастури ва ундаги вазифалар шунчаки қорозда қолиб кетмаслиги учун амалий ишларга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Семинарда, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар бўлинимаси раҳбари ўринбосари Рустам Саидов, Олмасор туман партия кенгаши раиси Камолитдин Ақромов ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун партия ташкилотлари ҳамда шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи муқобил лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга таъбиқ этиш учун курашиш зарурлигини таъкидлади.

Семинарда кун тартибидagi масала бўйича билдирилган фикрлар, тақлифлар ҳисобга олиниб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Гулрўх ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Чеклов жорий қилинди



Пекин шаҳри маъмурияти кўчаларда автотранспорт тирекларини бартараф этиш билан бирга шаҳар ҳавоси ифлосланишини камайтириш мақсадида автомобиль эгалари учун чекловлар жорий этишни мўлжаллаб турибди.

«Синьхуа» ахборот агентлиги маълум қилишича, чеклов шундан иборатки, автомобиль эгалари эндиликда давлат рақами бўйича кўчада ҳаракатланадилар. Яъни, жуфт рақамга эга машиналар жуфт кунда, тоқ рақамли машиналар эса тоқ кунда ҳаракатланади. Бу тартибга риоя қилмаганларга нисбатан эса,

албатта, маъмурий қоралар қўрилади.

Яна бошқа чекловларни ҳам жорий этиш кўзда тутилмоқда. Масалан, шамолсиз кунлар шаҳар ҳавоси тутунлар исканжасида қолади. Шу боис айнан шундай кунлари давлат автомобилларидан фойдаланиш 30 фоиз қисқартирилади. Ўрнига қўшимча автобуслар қатнови жорий этилади ва метронинг иш вақти узайтирилади.

Айни пайтда ҳам шаҳарда автомобиль эгалари учун айрим чекловлар амал қилмоқда. Масалан, автомобиль эгалари иш кунлари ҳафтада бир марта машинасида юриши, яъни жамоат транспортдан фойдаланиши белгиланган.

Бугунги кунда Пекин аҳолисининг 5 миллион нафари ўз автомобилга эга. Шаҳар атрофидаги аҳоли манзилларидан қириб келадиган автомобилларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 20 миллионга боради. Энди улардан чиқиб кетган тутун қай даражада бўлишини тасаввур қилаверинг.

Автомобиль савдоси



дунё бўйича 142 минг 994 та энгил машина сотилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,9 фоиз ўсишга эришди. Айниқса, «E-Class» ва «S-Class» русумидаги машиналар савдоси оммавий тус олди. Жорий йилнинг 9 ойида 68,3 фоиз ўсиш кузатилди.

«Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига қараганда, АҚШнинг ўзида сентябрь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо 6,7 фоизга ўсган, Хитойда эса бу кўрсаткич 31,2 фоиз, Германиянинг ўзида 1,5 фоизни ташкил қилди. Европада ўсиш 14,2 фоизга етди.

рекорд

даражага етди

Германиянинг автомобил ишлаб чиқарувчи «Daimler AG» компанияси «Mercedes-Benz» автомобиллари савдо-си бўйича сентябрь ойида рекорд ўрнатди. Хусусан,

Тошкент давлат шарқшунослик институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Эрон-афгон филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
2. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: профессор — 1 ўрин (форс адабиёти бўйича).
3. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
4. Жаҳон сиёсати кафедраси: доцент — 1 ўрин.
5. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: доцент — 1 ўрин.
6. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин.
7. Фарбий Европа тиллари кафедраси: кафедра муdiri — 1 ўрин.
8. Хитой филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
9. Инглиз тили кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
10. Япон филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан (оқ фонда).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз
(собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел: 233-45-21, 233-44-36.

Мувофиқликни баҳолаш

... истеъмолчилар манфаатларига,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Сайловолди дастурида белгиланган
вазифалар ҳаётга янада самарали татбиқ
этилишига шароит яратади

Кейинги йилларда халқаро микёсда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасига мувофиқликни баҳолаш тушунчаси кириб келди. Миллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг халқаро майдонга чиқиши ҳамда экспорт-импорт жараёнларини амалга оширишида синов, назорат ва сертификатлаштириш ўз ичига олган мувофиқликни баҳолашнинг ўрни беқисс.

Ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш жараёнида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махсулот ва хизматлар сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, ички ҳамда ташқи савдода техник тўсиқларни бартараф этиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади. Шу боис бу масалага босқичма-босқич давом этаётган ишхотларнинг таркибий қисми сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг қонуний асослари мустаҳкамлаб боришмоқда.

Жорий йил 6 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. 22 августда Сенат томонидан маъқулланган мазкур қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, 5 октябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан олти ой ўтган, кунга қиради.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонунда белгиланган меъёrlар ички ва ташқи бозорда махсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик, халқаро савдода иштирок этиш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишга

эришиш, ички бозорни хавф-ли товарлардан ҳимоялаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш таъминлашга йўналтирилган.

Яна бир асосий жиҳати, Қонун билан амалга оширилмаган вазифаларнинг бир қисми жисмоний шахслар ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энг муҳими, атроф-муҳит, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ХДП ўзининг Сайловолди дастурида аҳолининг реал даромадлари орттириш кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат махсулотлари билан тўлдириб қабил муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш вазифаларини илгари сурган. Таъкидлаш кераки, бу мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқарилган махсулот ва кўрсатилган хизматларнинг мувофиқлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мувофиқликни баҳолаш нима? Бозорга тақлиф этилаётган махсулотлар ва хизматларга нисбатан ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, фойдаланувчилар ёки давлат назорат идоралари сифат, экологик кўрсаткичлари, хавфсизлик, тежамкорлик, ишончлилик, фойдалилик ва самардорлигига доир муайян талабларни қўяди. Махсулот ва хизматларда мазкур талабларга мослиқнинг бўлиши ва уларнинг техник регламентлар, стандартлар ва бошқа ҳужжатлар талабларига жавоб беришини намоиш этиш жараёни **мувофиқликни баҳолаш**, деб юритилади.

Мувофиқликни баҳолашдан аввало ким манфаатдор?

Мувофиқликни тўғри баҳолашдан биринчи ўринда **истеъмолчилар** манфаатдордир. Нотўғри ёки ишонсиз баҳолашдан улар зарар кўради. Чунки мувофиқликни баҳолаш натижалари истеъмолчилар томонидан махсулотларни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Истеъмолчи махсулот сифати ёки хавфсизлигига баҳолашдан ўтганлиги тўғрисидаги мувофиқлик сертификати орқали ишонч ҳосил қилади.

Ишлаб чиқарувчилар ўз навбатида махсулотларни қонун ҳужжатларида қайд қилинган тавсияларга мувофиқлигига, шунингдек, мижозлар талабини қондира олиши, бунинг натижасида бозорда рақобатбардош бўла олишлари ишонч ҳосил қилишни истайдилар. Бу, албатта, мувофиқликни баҳолаш фаолияти билан бевосита боғлиқ. Махсулотлар ва хизматларни мувофиқликка баҳолаш замонавий технология ва илм-фаннинг ривожланиш даражаси билан муносиб бўлиш имконини беради ҳамда нуқсонли махсулот бозорига кириб келишининг олдини олади. Саломатлик, хавфсизлик ёки атроф-муҳит муҳофазасида мувофиқликни баҳолаш қонун даражасида мажбурий қилиб белгиланади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар тегишли баҳолашсиз ҳамда тасдиқланшсиз махсулотни савдога чиқаришлари мумкин эмас. Халқаро стандартлар ва қўлланмалар ҳам бундай баҳолашни самарали амалга ошириш, унинг натижаларини тан олиш бўйича талаблар ўрнатади, кўрсатмалар беради.

«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонун айтиш нукта назардан қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни тўлдирди, бу йўналишдаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлади. Қонунга кўра, мувофиқликни баҳолаш жараёни аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, декларациялаш, инспекция назорати, юқини орттирдан олдин ёки уни тушириш вақтидаги назорат, махсулот сифодини, санитария-эпидемио-

логия, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза йўли билан амалга оширилади. Бунда мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари, тартиб-таомилларини қўллаш, бу ҳақдаги ахборотнинг очиклиги ва ишончлигини таъминлаш шарт. Аккредитациядан ўтган мувофиқликни баҳоловчи органларнинг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўйилмайдилар. Давлат, тижорат ҳамда қонун йўли билан қўрилмайдиган бошқа сирлар сақланишига эътибор қаратилади. Шунингдек, таъкидлаш кераки, Қонун миллий аккредитация тизимини ташкил этиш ва тақомиллаштириш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш бўйича олиб бориладиган ишлар натижалари халқаро микёсда тан олиншини таъминлаш учун ҳуқуқий асос ҳамда шароит яратади.

Қонуннинг алоҳида моддаси миллий аккредитация органи вазифаларига бағишланган. Унга кўра, миллий аккредитация органи мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади, мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрини юритади ва бу органлар устидан инспекция назоратини амалга оширади. Бундан ташқари, мувофиқликни баҳоловчи органларни аккредитациядан ўтказиш, уларга бу ҳақда гувоҳнома беради ва аккредитация гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатади, тўхтатади ва ушбу гувоҳномани бекор қилади.

Қонунда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ваколатли органлар сифатидаги вазифалари ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Қонунда мазкур органларнинг мувофиқликни баҳолаш бўйича ўз

Анвар БОЙҚУЛОВ,
Алишер СОДИҚОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлари.

Қонун ва шарҳ: сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

